

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИДА ОИЛА ТАРБИЯСИ – ИЖТИМОЙ ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Усмонова Роҳила Мардонкуловна

Низомий номидаги ТДПУ мустақил тадқиқотчи

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. “Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”¹, деган гаплари, юртимизда ёшлар тарбиясига, айниқса оналик ва болаликни оилани ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилаётганининг далолатидир. Ота боболаримиз қадимдан оила масаласига жиддий эътибор қаратиб, жамиятда оиланинг мустаҳкамлиги ва бахтиёр бўлиши учун бор имкон доирасида чоратадбирларни кўришган. Зотан, соф инсоний табиат худди шундай бўлишини тоқозо қилади². Ҳозирги замонавий даврда оила тарбияси XX асрда жамиятда юзага келган глобал ўзгаришлар натижасида ривожланди. Инсонларнинг маълумотлилиқ даражасининг ўсиши, аёлларнинг турли соҳаларида фаол иштироки ҳамда меҳнат фаолияти оила-никоҳ муносабатларига таъсир кўрсатди. Бу даврда никоҳ одамларнинг ўз мулки, мавқеини кейинги авлодга ўтказиш воситаси бўлмай қолди. Шунингдек, аёлларда иқтисодий мустақиллигининг таъминланиши никоҳнинг қачонлардир иқтисодий шериклик зарурияти натижаси ҳисобланмай қолди. М.Н. Шмелеваннинг фикрига кўра, “Ҳаётий йўл назарияси, жамиятнинг бир бўлаги бўлмиш оила ўз ривожланишининг турли босқичларини ўтишида ҳаракат стратегияларининг ўзгариши, ташқи тарихий шароитларга бевосита боғлиқ бўлган ҳолда икки хил ўринга эга бўлган: бир томондан, у индивидларнинг ижтимоий ўзгаришларга адаптациясини осонлаштирувчи воситачи, бошқа томондан эса, унинг ўзи ўша ўзгаришларни келтириб чиқарувчи омил бўлган”³.

Бугунги кунда ҳам оилада фарзандни жисмонан соғлом, баркамол, ахлоқан пок

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойидаги нутқи. 1 июль, 2017 й.

² «HILOL NASHR» нашриёт-матбааси <https://hilolnashr.uz/index.php>. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Т. Ҳилол Нашр, 2019.- 4 б.

³ Шмелева М.Н. Развитие внутренних связей в современной городской семье русских Центральной России.: Сб. Семья. Традиции и современность. – М., 1990. – С. 223.



ва юксак маданиятли вояга етказиб тарбиялаш устувор аҳамият касб этади. Бу борада эса, авваломбор оила тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш зарур. “Оила тарбияси деганда, биз энг аввало болани ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган қулай шарт-шароитларни яратиш уни ҳаётга тайёрлаш ҳамда баркамол шахсни шакллантиришга қаратилган фаолият тушунилади”⁴. Шарқда оила тарбияси боланинг туғилган куниданоқ бошланиши, унинг тўла мустақил бўлгунча бу жарён узлуксиз давом этиши белгиланган. Оилавий тарбиянинг асосий намунавий шакли бу эр-хотиннинг ўзаро иззат-ҳурмати ва хушмуомалалиги ҳамжиҳатлигидир. Бу борада болалар тарбиясида ушбу жиҳат муҳим ҳисобланади. Чунки, фарзанд ҳар бир айтилган насиҳатни эсидан чиқариши мумкин, аммо ўзининг кўрганини ҳеч ҳам эсдан чиқармайди. Тарбиянинг мазкур жиҳатига кўпроқ эътибор бериш керак бўлади. Аксарият олимларнинг фикрича, оила қуришнинг мақсади фарзанлар тарбияси билан боғлиқ бўлса, унда эр-хотиннинг шахс сифатида шаклланиши билан бирга оилавий муносабатлар мустаҳкамланади. Оила тарбияси ота-оналар, оиладаги бобо ва бувилар томонидан амалга оширилади. Оила тарбиясида катта муваффақиятга эришиш учун кўп жиҳатдан оилада ота онанинг бўлиши, уларнинг ҳамжиҳатлик ва бирдамликда куч-ғайратларини бирлаштириши билан боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А. Каримов “Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш айтиш муддао бўлур эди. Бу ҳақда гапирганда, мен мумтоз ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги қаҳрамонларнинг ўзаро муомала ва мулоқотлари, уларнинг ҳатто кичик фарзандларини ҳам “сиз”лаб гаплашиши мисолида ота-боболаримизнинг оила маънавиятига қанчалик катта эътибор берганига ишонч ҳосил қиламан”⁵, деб ёзган эди.

Таъкидлаш жоизки, одоб ахлоқ, маънавият, маданий мероснинг таркибий қисми бўлиб, унда халқимизнинг миллий қадриятлари, миллий руҳи, маънавий қиёфаси ўз ифодасини топган. Ҳолбуки, “маънавият, маданият ғоят кенг қамровли тушунчалар бўлиб, унда тарихан таркиб топган муайян халқнинг кўп асрларлик тўплаган моддий ва маънавий бойликлари, тили, сўз

⁴ <https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%20%20E2%80%93%20monografiya%202016.pdf>.

<https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%20%20E2%80%93%20monografiya%202016.pdf> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати / ЎЗР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти; таҳрир ҳайъати: Х.Султонов ва бошқ; тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 456-бет.

⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, Маънавият, 2008. 55-бет.



санъати, қадриятлари, тарихий ёдгорликлари, анъана ва расм-русумлари жамланган бўлади”⁶. Маънавият, маданият, одоб ахлоқ, маърифат оила тарбиясининг асосий негиз ҳисобланади. Жумладан, маданият тушунчаси кенг қамровли маънони англатади. Оила тарбияси маънавий-маданий фаолият тизимида мавжуд бўлиб, “агар маданият инсон зотининг сифатий таърифланиши бўлса, маънавият унинг ўз-ўзини яратиш ва ўзгартириш фаолиятининг мазмунидир. Бас, шундай экан, инсоннинг фаолияти ва онги орқали маданият бир бутунликни ташкил этади ва маданият – воқелик, маънавият эса, моҳият кўринишини олади. Маънавият маданиятда моддийлашади, мужассамлашади, тўпланади ҳамда авлоддан-авлодга узатилади”⁷. Мамлакатимизда оила тарбиясида руҳий-маънавий кечинмалар ҳиссиётлар, орзу-умидга тўлган бўлади. Шу нуқтаи назардан олганда, оила тарбияси ҳам миллий маънавий мероснинг узвий қисми бўлиб, у моҳиятига кўра жамиятнинг бой ижтимоий мазмунга эга бўлган тарихий бирлигини ифодалайди. “Оила бу ҳаёт тарзимизнинг давом этишини таъминлайдиган, миллий анъаналаримизни келгуси авлодга етказадиган тарбия маскани эканини таъкидлаш жоиздир. Ҳақиқатан оила ҳар қандай давлат ичидаги ўзига хос “давлат” бўлиб, бу бетакрор, ижтимоий ташкилотдир. Унда ижтимоий ҳаёт ва авлодлар давомийлиги таъминланади. Урф одатларимиз, ва ниҳоят, этник маданият сақланади Айни чоғда у авлоддан-авлодга ўтиб бойитилиб келгуси авлодларга узатилади.

Илмий адабиётларда тез-тез учрайдиган “оила дунёси”, “оила ахлоқи” “оила тарбияси”, “оила маънавияти ва маданияти” каби тушунчаларнинг ҳар бири ўзига хос маъно-мазмунга касб этади. Ушбу тушунчалар ичида эса оила тарбияси категорияси муҳим ўрин эгаллайди.

Оила тарбияси – умумий ижтимоий тарбия жараёнининг таркибий қисми бўлиб у инсоннинг кейинчалик умри давомида олдиган ҳаётдаги сабоқлари учун асос вазифасини ўтайди. Оила тарбиясида оиланинг барча аъзолари иштирок этадилар. Оила тарбияси бир умр давом этадиган жараён ҳисобланади. Оилада шаклландиган ака-ука, опа-сингиллик меҳрини бошқа жойдан олиб бўлмайди⁸. Оилада ота-она, эр хотиннинг муносабати ва оиладаги тенглиги ва ўзаро ҳурматга асосланган оилада фарзандларнинг

⁶ <https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%20%E2%80%93%20monografiya%202016.pdf>.

<https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%20%E2%80%93%20monografiya%202016.pdf>

⁷ <https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%20%E2%80%93%20monografiya%202016.pdf>.

<https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%20%E2%80%93%20monografiya%202016.pdf>

⁸ <https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%20%E2%80%93%20monografiya%202016.pdf>.

<https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%20%E2%80%93%20monografiya%202016.pdf>.



тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жамиятда оила тарбиясининг қуйидаги йўналишлари бўйича иқтисодий, меҳнатни тўғри тақсимлаш, хўжалик юритишни ташкил этиш, ахлоқий талаблар, соғлом турмуш тарзини барпо этиш; касб-хунарни ўргатиш; жисмоний тарбия, ўзини идора этишга, ўрганиш кабиларни кўрсатиш мумкин. Ушбу йўналишлардан келиб чиқиб, оила тарбиясида қуйидаги усуллари ажратиш мумкин: мулоқот; шахсий ўрнак бўлиш; назорат; тўғри баҳолаш; китоб ва журналларни ўқиш, оилавий театрларга бориш; музейларга бориш; муқаддас қадамжоларни, ўтган яқин қариндош-уруғларнинг қабрларини зиёрат қилиш⁹. Одатда жамият оилалардан ташкил топади. Аммо, оила оддий иттифоқ эмас, балки тирик вужудлар иттифоқи ҳисобланади. Агарда дунёда 7 миллиарддан ортиқ одам яшасини ҳисобга олсак, уларнинг ҳар бири эса нимаси биландир бошқасидан фарқ қилади. Ҳар бир одам иккинчисидан фарқ қилади. Инсонлар каби оилалар ҳам бир-бирига ўхшамайди. Фарзанд дунёга келиб биринчи бор оилада танишади, унинг учун дунёда энг етук, билимдон киши ота ва онаси ҳисобланади. Шу сабабли, ёш авлоднинг баркамол бўлиб тарбия топишида ота-онанинг ўрни, ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Оила тарбияси тушунчасида оилада бола онги ва туйғулар оламига таъсир этувчи тарбиявий омиллар кўпроқ назарда тутилади¹⁰.

Оилавий тарбиянинг тугал мақсади – фарзандни комил инсон этиб етиштиришдир. Бунини амалга оширишда жисмоний ва маънавий тарбияни ўз ичига олади. Жисмоний, маънавий-ахлоқий қадриятларни яхши билмай туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Оила тарбияси кенг маъноли тушунчага бўлиб, унинг мазмунида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғун акс этган¹¹. Оила шартли равишда қуйидаги турларга ажратилади:

Биринчиси, катта патриархал оила бўлиб, бунда ота-она, фарзандлари ва неваралари билан бир оилада истиқомат қиладилар;

Иккинчиси, ккки авлоддан – ота-она ва фарзандлардан иборат оила;

Учинчиси, оилада бирор бир сабабларга кўра ота ёки она йўқлиги;

Туртинчиси, фақат эр ёки хотиндан ташкил топган оила;

⁹ <https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%200%E2%80%93%20monografiya%202016.pdf>.
<https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%20%E2%80%93%20monografiya%202016.pdf>

¹⁰ <https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%200%E2%80%93%20monografiya%202016.pdf>.
<https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%20%E2%80%93%20monografiya%202016.pdf>.

¹¹ <https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%200%E2%80%93%20monografiya%202016.pdf>.
<https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%20%E2%80%93%20monografiya%202016.pdf>



Бешинчиси, аралаш, яъни яқин ёки узоқ қариндошлар бир хонадонда истиқомат қиладиган оила;

Олтинчиси, байналмилал оила бўлиб, унда турли миллат вакилларида иборат тузган оила;

Еттинчиси, қайта қурилган оила¹².

Мазкур оилаларда эр ва хотиннинг ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти, касб-хунари, моддий бойлигига, қаерда истиқомат қилишига қараб ҳам турларга бўлиш мумкин. Аммо, оиланинг таркиби турли бўлишига қарамасдан, унинг бажариши зарур бўлган умумий вазифалари мавжуд¹³.

Ҳозирги даврда оила ва жамият ўзининг муҳим функцияси, яъни қариялар ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳамда уларни парвариш этишни унутиб қўймоқда. Уларга етарли даражада эътибор қаратмаяпти. Оиланинг муҳим вазифалардан бўлган мазкур ишни бажариши оила тарбиясини юксалтиришга ёрдам беради. Оила функцияларининг турли туманлиги оила тарбиясининг мураккаблигидан далолат беради. Бу таълим ва тарбияда, авваломбор, ота-онага хос маънавий хусусиятлар, яъни қариндош-уруғчилик, қўни-қўшничилик омиллари ҳам бор. Оилавий муносабатлар жамиятдаги мавжуд қуйидаги категориялар бўлган ижтимоий, маънавий, иқтисодий, мафкуравий муносабатлар билан белгиланади. Улар таъсирида ўзгариб бораверади¹⁴.

Фарзанд дунёга келиб биринчи бор оилада танишади, унинг учун дунёда энг етук, билимдон киши ота ва онаси ҳисобланади. Шу сабабли, ёш авлоднинг баркамол бўлиб тарбия топишида ота-онанинг ўрни, ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Оила тарбияси тушунчасида оилада бола онги ва туйғулар оламига таъсир этувчи тарбиявий омиллар кўпроқ назарда тутилади¹⁵. Умуман олганда ушбу сўзлар воситасида оиланинг ўзига хос муҳити, ўз қонуниятларига эга бўлган бетақрор тарбия маскани эканлиги таъкидланади. Оила тарбияси кенг маъноли тушунчага бўлиб, унинг мазмунида миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғун акс этган¹⁶.

¹² <https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%200%E2%80%9320monografiya%202016.pdf>
<https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%20%E2%80%9320monografiya%202016.pdf>

¹³ <https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%200%E2%80%9320monografiya%202016.pdf>
<https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%20%E2%80%9320monografiya%202016.pdf>

¹⁴ <https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%200%E2%80%9320monografiya%202016.pdf>
<https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%20%E2%80%9320monografiya%202016.pdf> Ватан туйғуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 82-б. 3 Оила, маънавият ва ижтимоий ҳаёт. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: 1998, 3-б.

¹⁵ <https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%200%E2%80%9320monografiya%202016.pdf>
<https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%20%E2%80%9320monografiya%202016.pdf>

¹⁶ <https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%200%E2%80%9320monografiya%202016.pdf>
<https://adolatnashr.uz/uploads/17.Oila%20%E2%80%9320monografiya%202016.pdf>



Хулоса қилиб айтганда, оила тарбияси миллий-маънавий қадриятлар ва миллий тарбия усуллари ўзида мужассам қилган муҳим жараён ҳисобланади. Айнан оилада фарзандларга ватанга муҳаббат, инсонийлик, жамиятдаги ахлоқ ва ҳуқуқ қоидаларига риоя қилиш ўргатилади. Демак, биз давлатимизни таррақий этган давлатлар сафида кўришни ҳоҳлар эканмиз фарзандларимизни оилада соғлом муҳитда тарбиялашга жиддий эътибор қаратишимиз лозим.

